# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 17 июль, № 138 (5812) Чоршанба


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 июль куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ван Ини қабул қилди.**



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Хитой Ўзбекистон учун дўст мамлакат бўлиб келгани ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишини, ушбу давлат билан муносабатлар узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида ривожланишини таъкидлади. Ислом Каримов қайд этганидек, томонлар Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга бўлажак давлат ташрифига муҳим аҳамият қаратмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда, шунингдек, БМТ, ШҲТ каби нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида изчил ривожланмоқда.

Пекин шаҳрида 2012 йилда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув чоғида имзоланган Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация мамлакатларимиз ўртасидаги юқори даражадаги ҳамкорликнинг ифодаси бўлди, кенг қамровли Ўзбекистон — Хитой мулоқотини янада ривожлантиришга янги суръат бахш этди.

2012 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2011 йилга нисбатан қарийб 25 фоиз ўсди ва 3,23 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Жорий йилда ҳам ўзаро савдо ҳажмининг ана шундай изчил ўсиши таъминланмоқда.

Томонлар нефть-газ ва нефть-кимё, кимё ва тоғкон саноати тармоқларида, транспорт ва логистика, машинасозлик, телекоммуникация соҳаларида, электротехника ва замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда, шунингдек, иқтисодиётнинг Хитой компаниялари катта тажриба ва илғор технологияларга эга бўлган бошқа соҳаларида ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда.

Ҳозир Хитойнинг бир қатор етакчи компаниялари "Жиззах" махсус индустриал зонасида юқори технологияли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга киришмоқда. Бунинг учун қулай шароитлар яратилган ва катта солиқ ва божхона имтиёзлари тақдим этилмоқда.

Мулоқот чоғида томонлар мамлакатларимизда маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

ХХР ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари самимий қабул ҳамда ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига чуқур миннатдорлик изҳор этди.

Учрашувда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

# ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини ризқрўзимиз ва бойлигимиз манбаи, дастурхонларимизнинг тўкинлиги, тўқчилик белгиси бўлмиш ғалладан 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи бор мана шундай мисли кўрилмаган натижага эришиб, кўпчилик вилоят ва туманларда, фермер хўжаликларида ҳосилдорликни юксак даражага етказганимиз фидойи деҳқон ва фермерларимиз қандай буюк ишларга қодир эканини намоён этиб, бутун халқимизнинг кайфияти ва руҳини кўтарди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Халқимизга мансуб бўлган азалий қадриятга кўра, нонни азиз ва табаррук неъмат сифатида қадрлаб, эъзозлаб, уни доимо кўзига тўтиё қилиб яшайдиган эл-юртимиз бу ютуқ қандай оғир ва машаққатли меҳнатингиз, азму шижоатингиз эвазига қўлга киритилганини яхши билади ва юксак баҳолайди.

Ҳақиқатан ҳам, бу йилги мавсумда ўртача ҳосилдорликни 55 центнерга етказганингиз, ўтган йилга нисбатан қарийб 500 минг тонна кўп ғалла олишга эришганингиз ҳар қанча таҳсин ва тасаннoларга муносибдир.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Жорий йилда барпо этилган улкан ғалла хирмонини 90-йилларда мамлакатимизда шу борада мавжуд бўлган ҳолат билан қиёслаб, солиштирадиган бўлсак, бизнинг тарихан қисқа даврда тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўлган буюк йўлни босиб ўтганимиз, бу ғалабанинг нақадар юксак, юртимиз учун нақадар қадрли экани яна ва яна бир бор аён бўлади.

1991 йилда, Ўзбекистон энди мустақилликка эришган кунларда ўлкамизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик бор-йўғи 17 центнерни ташкил этганини, республикамиз дон ва ун таъминоти бўйича бутунлай Марказга қарам бўлиб кун кечирганини ўзимизга фараз қилсак, ўтган йиллар мобайнида ғалла мустақиллигини қўлга киритганимиз, ҳосилдорлик 3 каррадан кўпроқ ошгани, умумий ҳосил 7 баробардан зиёд кўпайгани, ҳозирги вақтда нафақат ўз эҳтиёжимизни таъминлаш, айни пайтда хорижий давлатларга дон экспорт қилишга эришганимиз бизнинг қандай юксак марраларни забт этганимиздан яққол далолат беради ва ўзгаларнинг ҳайратини тортади.

Албатта, қўлга киритилган бундай улкан натижаларнинг асосий омил ва мезонлари нималардан иборат, деган табиий савол туғилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бизнинг бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган, ривожланишнинг "ўзбек модели" деб ном олган тараққиёт йўлини, демократлаштириш ва янгиланиш йўлини танлаганимиз, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш мақсадида чуқур ўйланган, кенг кўламли ислоҳот ва ўзгаришларни, аввало, иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлмиш қишлоқ хўжалигидан бошлаганимиз мана шундай ютуқларимизнинг негизини ташкил этмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзини оқламаган эски тизимнинг ўзаги бўлган мулкчилик шаклларидан воз кечиб, бозор муносабатлари ва хусусий мулкчиликни жорий этганимиз қишлоқ хўжалигида мутлақо янги ишлаб чиқариш муносабатларини ривож топтиришда, энг муҳими, қишлоқ аҳлининг бутунлай янгича фикрлаш, ўз меҳнатига янгича қарашини шакллантиришда энг асосий ва муҳим омил бўлди.

Шу борада фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берганимиз, уни мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш учун ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий замин яратиб берганимиз, бу ҳаракатни ҳар томонлама рағбатлантириб, қўллаб-қувватлаганимиз бугунги кунда унинг қишлоқ хўжалигида чиндан ҳам ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқишида, деҳқон ўзини ҳақиқий ер эгаси, мулк соҳиби деб ҳис қилишида, фермерларни, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг таянчига айлантиришда беқиёс аҳамият касб этди.

Шу маънода, барчамизни боқадиган, жамики ноз-неъмат ва бойликларнинг бунёдкори бўлмиш деҳқон ва фермерларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури, ҳаётга муносабати, сиёсий савияси ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани бугун қўлга киритаётган улкан марраларимизнинг асосий шарти ва гарови бўлмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Айтиш керакки, бу йилги мавсум ўтган мавсумларга нисбатан осон бўлгани йўқ. Ғаллакорларимиз табиат ва иқлим қийинчиликлари билан боғлиқ турли синовларни енгиб ўтишларига тўғри келди. Қиш фаслида ҳавонинг совуқлик даражаси меъёридан ортиқ бўлгани, март ойида эса ҳароратнинг одатдагидан кўра пасайиб кетгани, дўл ва жалалар ёғиши деҳқонларимиз учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирди.

Айни шундай мураккаб шароитда дала меҳнаткашлари, аввало, ишни тўғри ташкил қилиш, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш ҳисобидан ҳосилни сақлаб қолишга ва белгиланган марраларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Бу ҳақда гапирганда, мавсум давомида ғаллазорларга жами 12 миллион тонна, ҳар гектар майдонга ўртача 10 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани, деҳқонларимизнинг ҳар туп кўчат устида парвона бўлиб, ўзини аямасдан меҳнат қилганини миннатдорлик билан таъкидлаш лозим.

Албатта, мана шундай юксак хирмон яратишга эришганимизнинг омиллари ҳақида сўз юритганда, охирги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини тўғри йўлга қўйиш, ғалла навларини ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитини, сув билан таъминланиш даражасини инобатга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий техника, янги комбайнлар, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, ҳашарот ва зараркунандаларга қарши курашиш — албатта, буларнинг барчаси амалий самарасини берганини унутмаслигимиз керак.

Ишнинг кўзини билиб амалга оширилган ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли барча вилоят, жумладан, нисбатан оғир шароитда бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ғаллакорлари ҳам давлатга дон сотиш шартнома мажбуриятини бажаришга эришдилар. Айниқса, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида суғориладиган ерларда ҳосилдорлик ўртача 57-63 центнерни ташкил қилганини бу йилги мавсумнинг энг муҳим натижаси сифатида баҳолаш ўринлидир.

Бошқаларга ибрат ва намуна бўлган Учқўрғон, Норин, Уйчи, Сариосиё, Вобкент, Яккабоғ, Қарши, Олтинкўл, Иштихон, Пахтаобод, Избоскан, Балиқчи, Оқдарё, Учкўприк, Косон, Дўстлик, Ромитан, Тошлоқ, Фурқат, Пискент, Юқори Чирчиқ, Хатирчи туманларида ҳосилдорлик 60-75 центнердан ошганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Каттақўрғон туманидаги "Ҳосил", "Шакар ота", Учкўприк туманидаги "Фаровон ҳаёт сари", Норин туманидаги "Аҳмаджон Алижон ота ўғли", Учқўрғон туманидаги "Гулхумор", Бувайда туманидаги "Ёқубжон ота", Олтинкўл туманидаги "Намуна серҳосил ери", Жондор туманидаги "Бахтиёр Яраш ўғли", Дўстлик туманидаги "Омонтурди ота", Хатирчи туманидаги "Тасмачи иқболи", Ўрта Чирчиқ туманидаги "Иброҳим Абдураҳмонов" каби ўнлаб фермер хўжаликларида гектаридан 100 центнер ва ундан ошириб ҳосил олингани юртимиз деҳқонларининг ҳақиқий омилкорлик фазилатлари ва меҳнат жасоратининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Энг асосийси, етиштирилган жами ҳосилнинг қарийб 50 фоизи ёки 3 миллион 524 минг тоннаси фермер хўжаликлари ихтиёрида қолдирилганини деҳқонларнинг омборлари донга, рўзғорлари қут-баракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётганининг ёрқин далили сифатида қабул қиламиз.

Қадрли ва муҳтарам дўстларим!

Ишончим комил — бугунги қувончли айёмда сиз, азиз ғаллакорларимиз, деҳқон ва фермерларимиз эришган бу улкан ғалаба Ўзбекистонимизда каттаю кичик барчани, касбу кори, вазифасидан қатъи назар, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Бугун эл-юртимизнинг тилида ва дилида сизларнинг шаънингизга бағишлаб, "Баракалла, барчамизни қойил қолдирдингиз, ҳеч қачон кам бўлманг!" деб айтиладиган ҳис-туйғулар, эзгу тилаклар мужассам, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.

Мана шундай хурсандчилик кунда сиз, миришкор деҳқон ва фермерларни, механизатор ва комбайнчиларни, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини, юксак хирмонга муносиб ҳисса қўшган барча-барча юртдошларимизни бағримга босиб, яна бир бор самимий табриклайман.

Фидокорона ва ҳалол меҳнатингиз учун ўз номимдан, бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.

Доимо соғ-омон бўлинг, азизларим, қадрдонларим!

Гўзал ва бетакрор, муқаддас Ватанимизни, заҳматкаш ва олижаноб халқимизни Яратганимиз доимо ўз паноҳида асрасин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# "Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар чуқурлашмоқда"

*Яқинда Хитойда чоп этиладиган нуфузли "Жэньминь жибао" газетасида ана шундай сарлавҳали мақола эълон қилинди. У июль ойининг илк кунларида пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида бўлиб ўтган "Жиззах" махсус индустриал зонаси — Хитой компаниялари учун улкан сармоявий имкониятлар майдони" мавзуидаги форум якунларига бағишланган.*

## ҲАМКОРЛИК

Мақолада қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда "Ўзинфоинвест" агентлиги томонидан Хитой Халқ Республикасининг Тижорат вазирлиги билан ўзаро ҳамкорликда уюштирилган мазкур тадбирда икки мамлакат вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари вакиллари қатнашди.

"Анжуман иштирокчиларининг якдил фикр билдиришларича, Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт модели бутун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда, — деб ёзади "Жэньминь жибао".

**(Давоми 2-бетда).**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 йил 16 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ҳамда 2013 йил 18 январда республика Ҳукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг йўналишлари ва энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда 2013 йилги иқтисодий дастурнинг, энг аввало, иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатларини сақлашга ва унинг рақобатбардошлилигини оширишга, фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштиришга ва кўламларини кенгайтиришга, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, шунингдек, аҳоли бандлигини, турмуши даражаси ва сифатини изчил оширишга йўналтирилган устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш ишлари натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган мамлакатни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг самарали стратегияси изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши туфайли, глобал иқтисодиётда мавжуд бўлган жиддий муаммоларга қарамай, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини ва макроиқтисодий барқарорликни сақлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 8,2 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши — 7,3 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши — 16,1 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

**(Давоми 2-бетда).**

# Улкан меҳнат ғалабаси

*Мамлакатимиз ғаллакорлари бу йилги мавсумда **7** миллион **610** минг тоннадан зиёд ғалла йиғиштириб олдилар. Бу фидойи деҳқон ва фермерларнинг давлатимиз мустақиллигининг 22 йиллик қутлуғ байрамига муносиб туҳфасидир.*

## ИФТИХОР

Дарҳақиқат, жорий йилда ҳар доимгидан-да баракали ҳосил етиштирилди. Эришилган ушбу улкан муваффақият замирида, шубҳасиз, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи — қишлоқ хўжалиги тубдан ислоҳ қилиниб, фермерлик ҳаракати янада ривожлантирилаётгани, соҳага кўплаб имтиёзлар жорий қилинган ҳолда, замонавий агротехнологиялар, илғор инновациялар татбиқ этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилгани, энг муҳими, фермерлар ва барча дала меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлиги оширилгани мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мутахассисларнинг айтишича, ғаллачиликдаги натижалар нафақат ҳосилдорликнинг юқорилиги, балки етиштирилган дон сифати ва истеъмол хусусиятлари кўрсаткичларининг нечоғли яхшилиги билан ҳам ўлчанади. Шу маънода, бугун ҳар қанча қувонсак, фидойи фермерлар шаънига ҳар қанча илиқ фикрлар билдирсак арзийди.

**(Давоми 2-бетда).**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Ички талабни мутаносиб рағбатлантириш ҳамда маҳаллий товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 14,4 фоизга, чакана товар айланмасининг — 14,6 фоизга, хизматларнинг — 12,1 фоизга ўсишини таъминлади. Ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳасининг улуши 2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича 52,2 фоиз ўрнига 52,4 фоизгача ўсди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 36,1 фоизга кўпайди.

Энг юқори даражада қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаол ривожланмоқда. Бу уларнинг ялпи ички маҳсулот, саноат ишлаб чиқариши, экспорт ва бандликдаги улушининг изчил ўсишида акс этмоқда. Фақат жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида кичик бизнеснинг 15,8 мингта янги субъекти ташкил этилди.

“Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида халқнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, мамлакатнинг фаровонлиги ва равнақини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобига 3,4 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Жорий йилнинг I ярим йиллигида 554,4 мингта янги иш ўринлари, улардан 334,4 мингтадан кўпроғи ёки 60,3 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Аҳолининг реал даромадлари 16,3 фоизга ўсди.

Муҳокама давомида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдига устувор вазифалар бажарилишини ҳамда 2013 йил учун белгиланган мақсадли параметрлар ва прогнозларга эришишни таъминлайдиган, шунингдек, кейинги йилда иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тайёргарлик ишларини ташкил этиш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларига янгидан ташкил этиладиган иш ўринлари сонини кўпайтириш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгалланган мутахассисликларга мувофиқ ишга жойлаштиришни таъминлаш учун мавжуд захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ва 2013 йилда ишга тушириш назарда тутилган энг муҳим ишлаб чиқариш объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширишни сўзсиз таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижаларини батафсил таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Қайд этилдики, кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини 10,5 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажмини — 13,2 фоизга кўпайтириш таъминланди. 1233 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, умумий қиймати 6,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 141 та янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Ўзбекистон Миллий автомагистрали таркибига кирувчи автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дастури доирасида 349,9 миллиард сўм ўзлаштирилди.

Муҳокама давомида айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қолоқликка йўл қўйган бир қанча хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг фаолияти танқид қилинди. Улар олдига камчиликларни бартараф этиш ҳамда йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдиришни ва ишлаб чиқариш объектларининг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлайдиган қўшимча чора-тадбирлар кўриш юзасидан қатъий талаблар қўйилди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, “Қишлоқ қурилиш инвест” компанияси ва “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки раҳбарларининг эътибори қишлоқ жойларда жорий йилда фойдаланишга топширилиши назарда тутилган намунавий лойиҳалар бўйича 10 мингта янги уй-жойлар қурилиши тугалланишини жадаллаштириш зарурлигига қаратилди.

Мажлисда экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспортдан олинадиган валюта тушумини кўпайтириш ишларининг ҳолати ҳар томонлама кўриб чиқилди ва батафсил таҳлил қилинди. Қайд этилдики, жаҳон бозорлари конъюнктурасидаги ноқулай ўзгаришларга қарамай, иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар экспорт ҳажмининг 11,4 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий сальдосини таъминлади. Маҳаллий товарлар ва хизматларни экспорт қилиш турлари ва географияси кенгаймоқда.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида экспортга етказиб бериладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ва уларнинг турларини кенгайтириш захираларини аниқлаш ва мавжуд захираларни сафарбар этиш ишларини зарур даражада ташкил этишни таъминламаётган бир қанча хўжалик бирлашмалари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг фаолияти танқид қилинди. Улар олдига экспорт қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланмайдиган саноат корхоналарини экспорт фаолиятига жалб этишга, шунингдек, халқаро стандартларга мувофиқ маҳсулот сифатини бошқариш ва унинг сертификациясини ўтказишнинг замонавий тизимларини кенг жорий этишга йўналтирилган комплекс қўшимча чора-тадбирлар кўриш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва ғўзаларни ўстириш бўйича комплекс агротехника тадбирларини бажариш ишларининг ҳолати батафсил кўриб чиқилди. Қайд этилдики, деҳқонлар, олимлар ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар ходимларининг фидокорона меҳнати туфайли бошоқли дон экинларидан биринчи марта 7,6 миллион тоннадан ортиқ рекорд ҳосил олинди. Ўртача ҳосилдорлик гектарига 55 центнергача етказилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи иқтисодиёт тармоқлари раҳбарларининг эътибори 955 минг гектар ерларни шудгорлашни тугаллашни жадаллаштириш, уларнинг бир қисмида қишлоқ хўжалиги экинларини такроран экишни уюшқоқлик билан ва ўз вақтида ўтказиш зарурлигига қаратилди. Шунингдек, улар олдига ғўзалар ривожидаги қолоқликни бартараф этишни таъминлайдиган комплекс қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан аниқ топшириқлар қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, республикадаги йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**(ЎзА).**

# “Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар чуқурлашмоқда”

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

— Сўзга чиққанлар таъкидлашганидек, олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакатда қулай сармоявий муҳит шакллантирилгани ҳолда, хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламдаги имтиёзлар, афзаллик ва кафолатлар тизими яратилган”.

Нашрнинг эътироф этишича, хориж сармояси иштирокида юқори технологик лойиҳаларни амалга оширишда юқори қўшимча қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юксак технологияга асосланган корхоналарни ташкил этиш учун барча имкониятлар яратилган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари муҳим аҳамиятга эга.

“Форумда Хитойнинг етакчи фирма ва компанияларидан уч юз нафарга яқин ишбилармоннинг иштирок этгани уларнинг тадбиркорлар билан ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга, Ўзбекистонга сармоя киритишга ҳамда узоқ муддатли ва фаол ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга нисбатан қизиқиши юқори эканидан далолатдир”, дея таъкидланади мақолада. Газетанинг маълум қилишича, жорий йилнинг апрель ойида Хитойнинг Пекин, Ханчжоу, Сучжоу ва Шэньян каби шаҳарларида ҳам Ўзбекистон — Хитой сармоявий форумлари бўлиб ўтди. Уларнинг якунларига кўра, “Жиззах” махсус индустриал зонасида юқори технологияли сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича умумий қиймати 300 миллион АҚШ долларига тенг бўлган элликдан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон — Хитой анжуманининг қатнашчилари, “Жэньминь жибао” газетасининг қайд этишича, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида сўз юритдилар. Жумладан, нефть-газ, кимё саноати, қурилиш материаллари ва тиббиёт ускуналари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, электр техникаси, озиқ-овқат ва енгил саноат, чарм пойабзал, фармацевтика каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Мақолада Хитой вакилларининг “Жиззах” махсус индустриал зонасига уюштирган сафари доирасида ушбу ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти, ишбилармонлар учун яратилган имкониятлар билан танишганлари, “Пенг-Шенг” масъулияти чекланган жамиятнинг мобиль телефонлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонасининг очилиш маросимида қатнашгани ҳақида ҳам маълумот берилган.

“Жэньминь жибао” алоҳида таъкидлаганидек, анжуман якунида “Жиззах” махсус индустриал зонасида сармоявий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган 21 битим имзоланди.

**«Жаҳон» АА.**

# Улкан меҳнат ғалабаси



## Факт ва рақамлар

● Ўзбекистон Республикасида ғалла экиладиган майдонлар мустақилликнинг дастлабки йилларидагига қараганда 5,1 баробарга кўпайтирилди. Хусусан, 2013 йил ҳосили учун 1 миллион 137,5 минг гектар суғориладиган, 203 минг гектар лалмикор майдонларда бошоқли дон экинлари парваришланди.

● **Мамлакатимизда 1991 йилда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилган бўлса, бу йил деҳқон ва фермерларимиз томонидан саранжомланган ялпи дон хирмони 7 миллион 610 минг тоннани ташкил қилди.**

● Собиқ шўролар тузуми даврида ғалла экинларининг ўртача ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 12-15 центнердан ошмаган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич юртимизда ўртача 55 центнерни ташкил этди. Илғор фермер хўжаликларида эса ҳар гектар ердан 100 центнердан ошириб буғдой олингани ўзбек замини нақадар унумдор эканлигини, ўзбек деҳқонлари ва олимлари эса нималарга қодирлигини амалда намоён қилди.

● **Жорий йилда ғалла ўрим-йиғими ишлари отряд усулида ташкил этилиб, жойларда 1930 дан зиёд отрядлар иш олиб борди. Уларга 22 минг нафардан ортиқ масъул кишилар бириктирилди. 1460 та техник хизмат кўрсатувчи кўчма устахона, 1718 та ёнилғи ташувчи кўчма восита отрядлар ихтиёрига берилгани туфайли мавсум уюшқоқлик билан ўтказилди.**

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Чунки йиғиштириб олинган буғдойнинг мағзи тўқ, сифати талаб даражасида. Бунинг кўплаб омиллари бор, албатта. Улар орасида энг асосийси — уруғлик тайёрлашнинг яхши йўлга қўйилганидир.

Гап шундаки, юртимизда тупроқ ва иқлим шароитига мос серҳосил буғдой навларини яратиш, уларни районлантириш баробарида, уруғлик тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда охирги уч йилда 35 дан ортиқ ихтисослаштирилган цехлар қайта жиҳозланиб, хорижнинг энг замонавий технологик ускуналари билан тўлиқ таъминланди. Пировардида фермер хўжаликларига сара уруғ ўз вақтида етказиб берилиб, майсалар мақбул муддатларда тўлиқ ундириб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, 2013 йил ҳосили учун асосий майдонларда серҳосил, касалликларга чидамли бўлган “Чиллаки”, “Бобур”, “Андижон-1”, “Андижон-2”, “Дўстлик”, “Туркистон”, “Яксарт” сингари маҳаллий, “Краснодар-99”, “Таня”, “Восторг”, “Нота”, “Кума” каби хорижий буғдой навлари парваришланди. Улар ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароити, сув билан таъминланиш даражаси ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилгани, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари таъминоти бўйича комплекс тизим яратилгани, шунингдек, агротехника тадбирлари мутахассислар тавсиялари асосида сифатли бажарилгани кутилган самарани берди: ўртача ҳосилдорлик 55 центнерга етди.

Биласиз, кейинги йилларда дунёда кузатилаётган ноқулай об-ҳаво таъсирида қишлоқ хўжалиги жиддий зарар кўрмоқда. Айниқса, ғаллачиликда ҳосилдорлик пасайиб, бу ҳол истеъмолчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, ун ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашда мураккабликларни вужудга келтираётир. Шундай оғир бир шароитда фермерларимиз томонидан ҳар қачонгидан-да мўл ва сара дон етиштирилгани алоҳида таҳсинга лойиқ.

Улкан ғалла хирмонимизга, айниқса, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ғаллакорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Мазкур вилоятларда суғориладиган ерларда Қарши, Олтинкўл, Иштихон, Пахтаобод, Избоскан, Баликчи, Оқдарё, Учкўприк, Косон, Дўстлик, Ромитан, Тошлоқ, Фурқат, Пискент, Юқори Чирчиқ, Хатирчи туманларида 60-75 центнерга тўғри келган бўлса, Каттақўрғон туманидаги “Ҳосил”, “Шакар ота”, Учкўприк туманидаги “Фаровон ҳаёт сари”, Норин туманидаги “Аҳмаджон Алижон ота ўғли”, Учқўрғон туманидаги “Гулмухор”, Бувайда туманидаги “Ёқубжон ота”, Олтинкўл туманидаги “Намуна серҳосил ери”, Жондор туманидаги “Бахтиёр Яраш ўғли”, Дўстлик туманидаги “Омонтурди ота”, Хатирчи туманидаги “Тасмачи иқболи”, Ўрта Чирчиқ туманидаги “Иброҳим Абдураҳмонов” фермер хўжаликларида эса 100 центнердан ортди.



Яшириб нима қилдик, илгари бундай кўрсаткични қўлга киритишни фақат орзу қилиш мумкин эди, холос. Эътибор қилинг, 1991 йилда республикамизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил қилган эди. Бу йил-чи? Ялпи ҳосил 7 миллион 610 минг тоннадан ошиб кетди!

7 миллион 610 минг тонна! Бу чакана ғалаба эмас, албатта. Бу қишлоқ хўжалигимиз тарихида янги саҳифа! Бу ғалла мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги изчил ислоҳотларнинг юксак самараси! Бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган оқилона чора-тадбирларнинг меваси! Бу юртдошларимизнинг омбори донга, дастурхони нонга тўлганининг яққол ифодаси!

Дон — тўкин-сочинлик, қут-барака, фаровонлик манбаи. Халқимиз азиз ва табаррук неъмат бўлмиш нонни эъзозлар экан, унинг тимсолида кунни — кун, тунни — тун демасдан, фидокорона хизмат қилиб, ризқ-насибамиз бутунлигини таъминлаётган ғаллакорларнинг машаққатли меҳнатини қадрлайди. Шунинг учун буғдойзордаги ҳар бир бошоқни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш пайидан бўлади.

Бу йилги ўрим-йиғим мавсумига, айниқса, пухта ҳозирлик кўрилгани натижасида мавжуд ғаллазорлардаги ҳосил қисқа фурсатларда саранжомланди. Табиийки, бунда “Клаас” русумидаги юқори унумли комбайнлардан фойдаланилгани қўл келди. Негаки, уларнинг ҳар бири ёрдамида кунига ўртача 15-18 гектар майдондаги ҳосил ўриб-янчиб олинди. Ғалладан бўшаган майдонлар эса сомондан тозаланиб, пешма-пеш шудгор қилинмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, жорий йилда етиштирилган жами ҳосилнинг тенг ярми — қарийб 50 фоизи фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилди. Мана, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар самараси, мана, ғамхўрликнинг чинакам намунаси, деҳқонларнинг ўз меҳнатларидан катта манфаат кўраётганининг ёрқин далили!

Меҳнат ғалабангиз муборак бўлсин, ризқ-рўзимиз бунёдкорлари, фидойи ғаллакорлар!



Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Қисқа сатрларда

● Қўқон шаҳрида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унда турли соҳаларда катта ютуқларга эришаётган бир гуруҳ ёшлар ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди. Таниқли эстрада хонандалари ва “Ниҳол” мукофоти совриндорлари ижросидаги куй-қўшиқлар барчага завқ улашди.

● **Термиз давлат университети талабаларидан ташкил топган “Бунёдкор” ёшлар меҳнат гуруҳи ёзги таътил кунларини Сурхондарё вилоятида барпо этилаётган қурилиш иншоотларида ўтказмоқда. Хусусан, талаба-ёшлар Термиз шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби, Термиз давлат университетининг 4-талабалар уйи, Термиз, Шўрчи туманлари қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган замонавий уй-жойлар қурилишида бунёдкорларга яқиндан ёрдам бераётир.**

● Навоий вилояти марказидаги маданият ва истироҳат боғида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда шаҳардаги 180 га яқин корхона ва ташкилотлар 400 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан қатнашди. Якунда 250 га яқин коллеж битирувчиларига ишга жойлашишлари учун йўлланмалар берилди.

● **Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли туманида “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг янги филиали иш бошлади. Бу билан мазкур молия муассасасининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиаллари сони олтитага етди.**

● Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани марказида янгидан қад ростлаган Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман бўлими биноси ишга тушди. Мазкур иморат 450 миллион сўм ҳисобига қисқа муддатда қуриб битказилди. Шунингдек, унинг ҳудудида катта ҳажмда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Агентлик хулосаси

***“Фитч Рейтингс” халқаро рейтинг агентлиги Франциянинг кредит рейтингини бир поғонага — “ААА”дан “АА+”га пасайтирди, дейилади “Франс пресс” ахборот агентлиги хабарида.***

Таҳлилчилар ушбу ҳолат давлат қарзи бўйича яқинда эълон қилинган янги прогнозлар билан боғлиқ дейишмоқда. Унга кўра, 2014 йилга бориб, Франциянинг қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 96 фоизни ташкил этиши тахмин қилинаяпти.

Мамлакат молия вазири Пьер Московиси “Фитч Рейтингс” хулосасига ўз муносабатини билдирар экан, тез орада иқтисодиётда ислоҳотлар амалга оширилишини таъкидлади.

### Рекорд ўрнатаман деб...

***АҚШнинг Мэн штатида ўтказилган мотопойгачилар шоусида бахтсиз ҳодиса рўй берди.***

“Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, тадбир чоғида мотоциклни энг юқори тезликда ҳайдаш бўйича дунёга машҳур спортчи Билл Уорнер ҳалок бўлган. Гап шундаки, у ўз транспорт воситасини соатига 482 км. тезлик билан ҳаракатлантираётган чоғида бошқарувни йўқотиб, фожиага йўлиққан.



Мусобақа директори Тим Келлининг айтишича, Уорнер ушбу воқеадан кейин ҳушида бўлган ва ҳатто гапира олган ҳам, аммо орадан бир соатдан кўпроқ вақт ўтиб, шифохонада вафот этган.

### Ҳарорат ва башорат

***2015 йилга бориб Ер юзида ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши кутилмоқда.***

Бу ҳақда Япониянинг денгиз тадқиқотлари ўтказиш бўйича миллий агентлиги мутахассислари маълум қилишди.

Хусусан, тадқиқотчи олим Мототака Накамура сўнгги 50 йил давомида барча океанлардаги сув ҳароратини ўрганган. Аниқланишича, Гренландия денгизидаги ҳолат ана шундай хулосага келишга туртки бўлди. Айнан шу ердаги вазият туфайли яна икки йилдан сўнг шимолий ярим шарда об-ҳаво жуда совуқ бўлиши мумкин.

### Роботларнинг футбол мусобақаси

***Нидерландиянинг Эйндховен шаҳрида RoboCup 2013 — футбол бўйича роботлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.***

Бир ҳафта давом этган мусобақада қирққа яқин мамлакатдан мингдан зиёд роботлар қатнашди. Учрашувлар бир нечта лигага бўлинган ҳолда ташкил этилди. Хусусан, кичкина роботлар, ўрта ҳажмдаги роботлар, стандарт роботлар (Standard Platform) ва “виртуал роботлар” деб номланган лигаларда ўз тоифасидаги “спортчи”лар беллашди.

Кичкина роботлар лигасида голф тўпида ўйналган бўлса, ўрта ҳажмдаги роботлар оддий футбол тўпини тепишди. Хуллас, қизиқарли кечган учрашувларда Германия, Япония ва Хитойдан келган роботлар ғолиб ҳамда совриндорлар сафидан жой олди.




***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

**ВИРИН ХСК**

**КЎСАК ҚУРТИГА ҚАРШИ САМАРАЛИ БИОЛОГИК ҲИМОЯ ВОСИТАСИ**

Инсон ҳаёти, атроф-муҳит, фойдали ҳашаротлар ва ўсимлик чанглатувчиларга мутлақо зарарсиз.

ВИРИН ХСК — ғўза, маккажўхори ва бошқа экинлардаги кўсак қуртига қарши 7 — 10 кун ичида ўз самарасини кўрсатади ва ушбу препарат ишлатилган далаларда 1 — 2 йил давомида ўз таъсирини сақлайди.

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида қўллашга рухсат берилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати»га самарали биологик восита сифатида киритилган.

**Манзил:**
**Тошкент ш., Бодомзор йўли к., 37-уй.**
**Тел.: (+998-90) 920-32-99,**
**(+998-94) 160-27-24.**

*МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН*

1159R/690

**XALQ BANKI**

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори банк тизимини такомиллаштириш борасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида молия муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар тури кўпайиб, аҳолининг уларга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланиб бораётир. Бунга Давлат-тижорат Халқ банкининг Сурхондарё вилояти филиали фаолияти ҳам яққол мисол бўла олади.*

# Замонавий хизматлардан аҳоли мамнун

Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, мазкур банкда миллий ва хорижий валютада 25 дан зиёд омонат тури ташкил этилган. Жорий йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра, аҳоли омонатлари қолдиғи 13 миллиард 223 миллион сўмга етди. Шунингдек, “Лаҳзада омад” ва “Омад лотто” лотереялари жорий қилинди. Бу каби хизматларнинг сифатли ва тезкор кўрсатилишида ҳududдаги 15 та филиал, 10 та минибанк, 121 жамғарма кассаси, 43 та махсус касса, 15 та халқаро пул ўтказмалари, 2 та валюта айирбошлаш шохобчаси ва 2 та конверсион операциялар бўлимида яратилган шарт-шароитлар қўл келаётир.

Маълумки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаяпти. Филиал жамоаси ҳам ишбилармонларга кредитлар ажратиш, уларнинг ишлаб чиқаришга бўлган қизиқиш ва интилишини қўллаб-қувватлаш, шу йўл билан аҳоли бандлигини, турмуш фаровонлигини яхшилаш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқда. Натижада шу йилнинг ўтган беш ойида соҳа вакилларига 20 миллиард 216,9 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Шундан 2 миллиард 902,5 миллион сўми аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлса, 7 миллиард 260,7 миллион сўми озиқ-овқат, 3 миллиард 987 миллион сўми ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарга, 5 миллиард 20,9 миллион сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, 593 миллион сўми оилавий тадбиркорларга берилди.

— Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес ғояларини юзага чиқариш масаласи ҳам эътиборимизда турибди, — дейди филиалнинг иқтисодий ва бизнесни режалаштириш бўлими бошлиғи Абдулла Абдураҳимов. — Шу мақсадда ўтган вақт ичида уларга ўз бизнесларини ташкил этишлари учун 725,5 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиб, пировардида 1593 нафар киши иш билан таъминланди.

Филиал жамоасининг доимий диққат-эътиборида турган устувор масалалардан яна бири, бу — аграр тармоқни ривожлантиришдир. Бугунги кунда вилоятдаги кўплаб фермер хўжаликлари айнан шу банк билан ҳамкорлик қилмоқдаки, бунинг самараси филиал томонидан уларга кўрсатилаётган хизматларнинг сифатида, ажратилаётган маблағларнинг тобора ортаётганида намоён бўлмоқда. Ҳудуддаги фермер хўжаликлари 2013 йилги ғалла учун 5 миллиард 261 миллион сўм, пахта учун 15 миллиард 590,8 миллион сўм миқдорида кредитлар билан таъминлангани бунинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Бунда пластик карточкалар орқали кўрсатилаётган хизматлар, айниқса, барчага манзур бўлаётир. Гап шундаки, банкнинг туман ва шаҳарлардаги филиаллари томонидан жисмоний шахсларга мўлжалланган 125 879 дона пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, воҳадаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига улар орқали хизмат кўрсатиш учун 762 та терминал ўрнатилган.

Бундан ташқари, 4 та инфокиоск ва битта банкомат фаолият кўрсатмоқда. Ушбу инфокиосклардан аҳоли ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағларини пластик карточкаларга юклаш, коммунал, мобиль алоқа ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга оширмоқда. Қолаверса, жисмоний шахсларга мўлжалланган “Уяли пул” интерактив хизматидан фойдаланаётганлар сони 50 нафардан ошди. Хўжалик юритувчи субъектлар учун “Internet banking” интерактив хизмат тури жорий қилингани ҳам айни муддао бўлди. Ҳозир 92 та хўжалик юритувчи субъект ушбу хизмат туридан самарали фойдаланмоқда.

Банкда аҳолига хорижий валютада хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида эса 15 та халқаро пул ўтказмаси, 2 та валюта айирбошлаш шохобчаси, Узун ва Бойсун туманларида 2 та конверсион операциялар бўлими ташкил қилинди. Буларнинг бари воҳа аҳлига қўшимча қулайликлар яратмоқда. Жорий йилнинг 5 ойида “Вестерн Юнион”, “Контакт”, ”Юнистрим”, “Монейграм” сингари халқаро пул ўтказиш шохобчалари томонидан 27000 нафар мижозга хизмат кўрсатилгани ана шундан далолат беради.

Мазкур молия муассасасида, шунингдек, “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан, тегишли тизим жорий этилган. 2013 йилнинг ўтган даврида унга 356091 та анкета тақдим этилиб, 350533 нафар фуқарога пенсия ҳисобварағи очилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 майдаги қарорига мувофиқ, иш берувчилар томонидан Халқ банкига тақдим этилиши лозим бўлган ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар реестри эса электрон манбалар ёки интернет орқали узатилмоқда.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар тобора яхшиланиб бораётир. Бу тизимда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир, албатта.

**Нормурод ТЕМИРОВ.**

Реклама ўрнида

## Эълонлар

### ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

**Танловнинг очилиши:** 2013 йил 6 июль.
**Кредит №:** UZB-0060.
**Танловнинг тугаши:** 2013 йил 4 сентябрь.

**1.** «Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш, 2-босқич» лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Ислом тараққиёт банки (кейинги ўринларда — ИТБ) томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига имтиёзли кредит ажратилган, ушбу маблағларнинг бир қисми қуйида келтирилган 13 та умумтаълим мактабининг қурилишини назарда тутади. Тендер савдолари ИТБнинг товар ва хизматларни харид қилиш қўлланмасига мувофиқ, ИТБнинг барча аъзо давлатлари иштирокчилари учун очиқ ҳисобланади.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ушбу лойиҳанинг ижро этувчи органи сифатида, тегишли салоҳият ва ҳуқуқларга эга бўлган барча ташкилот ва корхоналардан қуйидаги объектларнинг қурилиши бўйича таклифларни қабул қилади:

| Лот т/р | Манзили | Ўқувчи ўринлари сони |
|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа тумани, «Қирққиз» ҚФЙ, 18-сонли мактаб. | 216 |
| 2. | Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани, «Оққамиш» ҚФЙ, янги мактаб. | 216 |
| 3. | Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай тумани, «Деҳқонобод» ҚФЙ, 9-сонли мактаб. | 216 |
| 4. | Бухоро вилояти, Пешку тумани, «Пешку» ҚФЙ, Хўпкалак қишлоғи, 6-сонли мактаб. | 216 |
| 5. | Бухоро вилояти, Вобкент тумани, «Қўнғирот» ҚФЙ, «Астарбоб» қишлоғи, янги мактаб. | 216 |
| 6. | Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, «Жуйрабод» ҚФЙ, 45-сонли мактаб. | 216 |
| 7. | Бухоро вилояти, Ромитан тумани, «Ромитан» ҚФЙ, Уба қишлоғи, 10-сонли мактаб. | 216 |
| 8. | Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Чимбой қишлоғи, 102-сонли мактаб. | 216 |
| 9. | Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Кештали қишлоғи, 30-сонли мактаб. | 216 |
| 10. | Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Ўртабўз қишлоғи, 76-сонли мактаб. | 216 |
| 11. | Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, «Шўрбозор» ҚФЙ, Пахтакор қишлоғи, 127-сонли мактаб. | 216 |
| 12. | Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, «Лойқасой» ҚФЙ, Олтинтепа қишлоғи, 68-сонли мактаб. | 216 |
| 13. | Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, «Гулистон» ҚФЙ, 30-сонли мактаб. | 216 |

**3.** Тендер савдоларида иштирок этиш ва тендер ҳужжатларини олиш учун тендер савдолари ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (ЛАОГ)га қуйидаги манзил бўйича сўров билан мурожаат этиш мумкин: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 813-хона.

Тел./факс: (8-371) 239-17-05, e-mail: UZB_020@yahoo.com

Тендер ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 200 (икки юз) АҚШ доллар (Маҳаллий иштирокчилар пул ўтказилаётган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курси бўйича тўловни сўмда амалга оширишлари мумкин). Тендер ҳужжатлари юқорида айтилган маблағлар тўланганидан сўнг берилади ва тўланган пул маблағлари тендер савдолари натижасидан қатъи назар, эгасига қайтарилмайди.

**4.** Тендер таклифлари тендер ҳужжатларини очиш кунидан бошлаб 90 кун давомида ҳақиқий ҳисобланади. Иштирокчилар тендер ҳужжатлари билан бирга таклиф этилаётган нархнинг 2,5% миқдоридаги кафолат маблағи мавжудлигини тасдиқловчи банк кафолат хатини ҳам тақдим этишлари лозим. Тендер ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги ЛАОГ томонидан юқорида айтилган манзил бўйича ҳамда 2013 йилнинг 4 сентябрь куни соат 15.00 гача қабул қилинади. Тендер ҳужжатлари ушбу халқаро тендер танловида қатнашган ташкилот ва корхоналар вакиллари иштирокида очилади.

**5.** Тендер савдоларида қайта ташкил топиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатилиш, банкротлик босқичида бўлган ҳамда мулки хатланган ташкилот ва корхоналарнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

**6.** Тендер иштирокчилари:
— тендер учун таклиф этаётган нархнинг 10 фоизидан кўп бўлган субподряд шартномаларини;
— ресурслар ведомостида қурилиш ташкилотининг бошқа харажатларининг тўлиқлигини;
— тендер таклифларида қурилиш-монтаж ишларини бажариш давомида фойдаланиладиган (тендер ҳужжатининг 4.3d бандига мувофиқ) асосий машина ва механизмларнинг рўйхатини тақдим этишлари лозим.

**7.** Мазкур тендер савдолари халқаро бўлганлиги сабабли, қатнашчилар ўз тендер таклифларини АҚШ долларида қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)сиз кўрсатишлари лозим (тендер савдолари қатнашчилари ҚҚС тўлашдан озод қилинган).

1151A/688

### «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***очиқ танлов савдоларига таклиф этади.***

Савдога Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг 2013 йил 28 февралдаги 13-сонли баённомасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги Юнусобод кўчаси, 7-«А» уйда жойлашган, собиқ «ЎзОлмонхотелз» қўшма корхонасига тегишли, умумий ер майдони 15057 кв.м.дан иборат 6 та бино ва 2 та иншоот, шундан 4 қаватли бинонинг майдони 4112 кв.м.ни ташкил этган, мебель, офис жиҳозлари ва бошқа мол-мулклари мажмуа сифатида қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 3 969 291 766,32 сўм.***

***Танлов савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:***
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Танлов таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 16 август куни соат 18.00 гача. Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2013 йил 19 август куни соат 11.00 га белгиланган.

Мол-мулклар мажмуаси 2013 йил 19 август куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йилнинг 26 август, 2, 9 ва 16 сентябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 26 августдаги савдо учун 23 август куни, 2 сентябрдаги савдо учун 30 август куни, 9 сентябрдаги савдо учун 6 сентябрь куни, 16 сентябрдаги савдо учун 13 сентябрь куни соат 18.00 гача.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖга тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: танлов ғолиби мулкнинг сотилиш баҳосидан 20 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини шартнома асосида тўлашлари шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар, очиқ танлов савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов ўтказиш қоидалари: танлов шартлари ва танлов таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖга белгиланган тартибда тўлдирилган ва имзоланган буюртманома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олиш мумкин. Танлов ҳужжатларининг нархи савдо ташкилотчиси томонидан белгиланади.

Таклифлар муҳокамасида танлов иштирокчилари ёки уларнинг ваколатли вакиллари қатнашишлари мумкин. Савдода энг мақбул таклиф киритган талабгор танлов ғолиби, деб топилади.

**Танлов савдолари ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,**
**1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

1148A/1453

### «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
### Жиззах вилояти филиали

***бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдога Зарбдор тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2010 йил 25 мартдаги 13-1004/6375-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод кўчаси ва Кичик ҳалқа йўлида жойлашган, «Зарбдор Элеватор» АЖга қарашли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 824 257 753 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 2 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 31 июль куни соат 18.00 гача.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО 00122, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил:**
**Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 39-уй.**
**Телефон: (8-372) 222-34-16. www.1kms.uz**

1156A/1453

*Лицензия: RR-0001.*

### «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
### Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Сурхондарё вилояти судининг 2011 йил 9 ноябрдаги ижро ҳужжатларига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 53-«В» уйда жойлашган, умумий ер майдони 614 кв.м., 1996 йилда қурилган, 4 хонадан иборат, бир қаватли, А1 литердаги бостирма, Б литердаги ошхона, В литердаги молхона, Г литердаги ҳаммом, Д литердаги ҳожатхона, а литердаги дарвоза, б литердаги тўсиқ девордан иборат тураржой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 84 370 720 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 5 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати: 2013 йил 2 август куни соат 18.00 гача.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов хужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Буюртмалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона.**
**Телефон (8-376) 227-57-94.**
**www.1kms.uz, rieltsavdo@inbox.uz**

1155A/1453

*Лицензия: RR-0001.*

Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Бадиий ижодкорлар уюшмаси жамоалари ҳайкалтарош **Анвар Камилович АҲМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Ишлар бошқармаси сектори мудири Камил Алимович Ходжиматовга волидаи муҳтарамаси **ХУРРИЯТХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АБИТУРИЕНТ — 2013

# Мустаҳкам билим — орзулар рўёби

*Шу кунларда олий ўқув юрти талабаси бўлиш орзусида тест синовларига тайёргарлик кўраётган юз минглаб йигит-қизлар қалбида ҳаяжонли дамлар кечмоқда. Анъанага мувофиқ, шу йилнинг 1 август куни мамлакатимиздаги 57 олий ўқув юрти ва уларнинг жойлардаги 11 филиалида қабул имтиҳонлари бўлиб ўтади. Зеро, шу куни ёшларнинг билим ва тафаккури чинакамига синовдан ўтади.*

*Хусусан, ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қатор ҳужжатларда навқирон авлодни билимли, ватанпарвар, миллий ҳамда умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш, истеъдодини рўёбга чиқариш каби эзгу мақсадлар мужассам. Жумладан, мамлакатимиз ёшларининг ўзлари танлаган олий ўқув юртларга қабул қилинишида тест синовларининг жорий этилгани абитуриентларнинг билим ва имкониятларини адолатли баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Астойдил тайёргарлик кўрган, тегишли фанларни чуқур ўзлаштирган, ўз кучи ва салоҳиятига ишонган ёшларга омад кулиб боқиши, шубҳасиз. Албатта, мустаҳкам билим олишга интилаётган йигит-қизлар ва уларнинг ота-оналарини бу йилги тест синовларини ўтказиш тартиби қизиқтириши, табиий.*

— Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг шу йил 11 июнда қабул қилинган "2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорида олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилиш квотаси белгилаб берилган, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Баҳром ИСМОИЛОВ. — Унга кўра, олий таълим муассасалари бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига талабалар қабули бўйича квоталар ажратилди. Жумладан, 2013/2014 ўқув йилида бакалавр таълим йўналишига 56 607 нафар талаба қабули белгиланган бўлса, шундан 19120 нафари давлат гранти, 37 487 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

Жорий йилда олий таълим муассасаларига 6 300 нафар магистр, шундан 1 548 нафари давлат гранти, 4 752 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши белгиланган.

Тошкент кимё-технология институти (Қўнғирот бўлими)нинг махсус сиртқи бўлимига давлат гранти бўйича 65 нафар ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртқи бўлимига 50 нафар талаба, шу жумладан, 15 нафари давлат гранти, 35 нафари шартнома асосида қабул қилинади.

*— Ҳозирги кунгача олий таълим муассасаларига кириш юзасидан келиб тушган аризалар сонини айта оласизми? Бу кўрсаткич бўйича қайси олий таълим муассасаси етакчилик қилмоқда?*

— Бу борадаги кўрсаткич ҳар куни ўзгариб турибди. Боз устига, кўп йиллик тажрибадан маълумки, абитуриентларнинг 40 фоизи ҳужжатларини охирги беш кунда топширишади.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз олий таълим тизими нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шунга мос равишда қабул комиссияларига келиб тушаётган аризалар сони ҳам кўпайиб бораётир. Хусусан, ўтган йили 432 017 нафар абитуриентлардан ҳужжатлар келиб тушган бўлиб, бу мутлақ рекорд кўрсаткичдир. Ўшанда бир ўрин учун 7,6 киши даъвогарлик қилганди. Жорий йилда мазкур кўрсаткич янгиланади, дейиш учун асослар етарли.

*— Бу йилги тест синовларида қандай ўзгариш ва янгиликлар мавжуд? Умуман, бу жабҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берсангиз.*

— Тест ўтказиш жараёнлари билан боғлиқ ўзгаришлар йўқ. Одатдагидек, абитуриентларга 108 та тест саволи тақдим этилади. Ҳар бир саволда тўртта жавоб варианти кўрсатилган бўлиб, улар орасидан биттасини танлаш лозим.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида таълим тизимида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида 2015/2016 ўқув йилидан бошлаб, барча олий таълим муассасаларига кириш тестлари блокига хорижий тилни киритиш масаласи қўйилган. Шулардан келиб чиқиб, жорий йилда илк бор Тошкент ахборот технологиялари университетида фанлар блокига инглиз тили киритилди.

Мазкур таълим муассасасининг компьютер инжиниринги, дастурий инжиниринг, телекоммуникация технологиялари, телевизион технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими, почта алоқаси технологияси таълим йўналишларидан тест синови математика, физика, она тили ва адабиёт (18 та савол) ва инглиз тили (18 та савол) фанлари мажмуасидан ўтказилади.

Шу ўринда абитуриентларга бу йилги тест саволлари жамғармаси ҳақида ҳам айтиб ўтсак. Биласиз, улар доимий равишда янгиланиб, тўлдириб борилади. Бу саволлар манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан ҳар бир ўқув фани бўйича тавсия этилган малакали мутахассислар ёрдамида шакллантирилади. Фанлар бўйича тузилган тест саволлари жамғармаси Давлат таълим стандартлари доирасида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан тавсия этилган дарслик ҳамда ўқув адабиётларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилади. Шундан сўнг тест саволларини ишлаб чиқиш технологиялари талаблари ҳамда унга мазмунан ва шаклан мослиги бўйича мутахассислар иштирокида экспертизадан ўтказилади.

Тест ўтказиш билан боғлиқ бир қатор қоидалар такомиллаштирилганлигини ҳам эслатиб ўтсак. Масалан, энди тест пайтида нафақат шпаргалка ва мобиль алоқа воситасидан фойдаланиш, балки уларни аудиторияга олиб кириш ҳам абитуриентни имтиҳондан четлатишга асос бўлади. Тест жараёни давомида тест материалларини бошқа абитуриентга узатса, уларга ёрдам берса, тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва далолатнома тузилиб, тест синовидан четлаштирилади.




Бундан ташқари, ОТМлар қабул комиссияларига топширилган ҳужжатларда қалбакилик аниқланса, унинг эгаси тест синовига қўйилмайди. Шунга ўхшаш ҳолат имтиҳонлардан кейин — ўқиш пайтида аниқланса, талаба олий таълим даргоҳидан четлаштирилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам бундай маълумот ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилади.

*— Кимлар танловдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқига эга?*

— Жорий йилда халқаро ва республика фан олимпиадалари, танлов ва мусобақалар ғолиблари учун мамлакатимиз олий таълим муассасаларига тест синовларисиз қабул қилиш тартиби сақлаб қолинган.

*— Олий таълим муассасаларига киришда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлган ёшларга яратиб берилган имтиёзлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?*

— Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшларнинг олий ўқув юртларига кириб ўқишлари учун амалдаги имтиёзлар янада такомиллаштирилдики, бу уларнинг жамиятда муносиб ўрин топишларида мустаҳкам асос бўлиши, шубҳасиз.

Масалан, ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқароларга мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи, яъни 61,2 балл миқдорида қўшимча имтиёз берилмоқда.

*— Тест синовлари куни абитуриентлар нималарга алоҳида эътибор қаратишлари зарур?*

— 1 август куни абитуриентлар тест синовлари ўтказиладиган бино ҳудудига соат 8:00 гача, аудиторияга 8:30 гача фақат абитуриент рухсатномаси ва паспорти билан киритилади.

Абитуриентлар тест жараёни бошланишидан олдин саволлар китоби, жавоблар варақаси, абитуриент рухсатномаси ва титул варақасининг тегишли жойларини тўғри тўлдиришга алоҳида эътибор қаратишлари керак. Жумладан, жавоблар варақасининг 1-блокига ва саволлар китоби муқовасининг белгиланган жойига фамилияси, исми, отасининг исмини ёзиб, имзо қўяди, абитуриент рухсатномаси ҳамда титул варақасининг тегишли жойларига жавоблар варақаси рақамини кўчириб ёзади. Титул варақасида кўрсатилган таълим муассасаси коди, махсус код ва танлов кодини жавоблар варақасига кўчириб ёзади ҳамда тегишли доирачаларни бўяйди. Айниқса, жавоблар варақасини тўлдиришда абитуриентлар жуда эҳтиёткор бўлишлари талаб этилади. Тўлдирилган жавоблар варақаси абитуриентнинг билим даражасини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Жавоблар варақасининг тўғри тўлдирилиши учун абитуриент шахсан жавобгардир.

*— Тест синовига тайёргарлик кўраётган йигит-қизларга яна қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?*

— Бугун ёшларнинг билим олиши учун имкониятлар эшиги очиқ. Илгари булар ҳақида орзу қилишнинг ўзи қийин эди. Шундай экан, эзгу мақсадларни кўзлаган йигит-қизларга фурсатни зое кетказмасдан, тест синовларига пухта тайёргарлик кўришларини маслаҳат бераман. Ва ишонаманки, энг кўп тайёрланган, билимли, иқтидорли, ақлу салоҳияти юксак, зеҳни ўткир ёшларга, албатта, талаба бўлиш бахти насиб этади.

**Мавлуда НИШОНОВА**
**суҳбатлашди.**

## Баҳор нафаси

*Андижон шаҳри кўчалари каштан, япон сафораси, арча каби манзарали дарахтлар ҳамда турфа гуллар билан безанмоқда.*

БУНЁДКОРЛИК

Шу билан бирга, замонавий меъморчилик анъаналари асосида барпо этилаётган фавворалар ҳудудга ўзига хос салқинлик ҳамда кўркамлик бахш этаётир.

Яқинда Навоий шоҳкўчасида "Нурмонтаж" фирмасининг қўли гул қурувчилари томонидан ана шундай фавворалардан бири бунёд этилди. Эътиборлиси, ундан отилиб чиқаётган сув зарралари фонида Ўзбекистон байроғи рамзи акс этиб турибди. Қолаверса, Истиқлол кўчасида қуриб битказилган мусиқий фаввора ҳам шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Айниқса, оқшом тушиши билан турли рангин чироқлар ёғдусида, мусиқий оҳанглар уйғунлигида кўкка сачраётган сув томчилари ёзнинг жазирама кунларида Андижон аҳолиси ва меҳмонларига баҳор нафасини ҳадя этаяпти.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 6 ИЮЛДАН 12 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

*I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. «Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 8 июндаги 12/2-сонли қарори.*
**2013 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 954-7 (2013 йил 15 июлдан кучга кирди).**

2. «Ташқи савдо контрактларига идентификация рақамини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 8 июндаги 01-02/19-10, 12/1-сонли қарори.*
**2013 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1365-1 (2013 йил 15 июлдан кучга кирди).**

3. «Электр ускуналарини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини 8-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2013 йил 1 июлдаги 7, 48-ҚҚ-сонли қарори.*
**2013 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1614-4 (2013 йил 15 июлдан кучга кирди).**

4. «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига тингловчи ва курсантларни ўқишга қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2013 йил 2 июлдаги 01-237-сонли буйруғи.*
**2013 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2477 (2013 йил 15 июлдан кучга кирди).**

5. «Тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига «бир дарча» тамойили бўйича улаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2013 йил 21 июндаги 5-сонли буйруғи.*
**2013 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2411-1 (2013 йил 15 июлдан кучга кирди).**

6. «Телекоммуникация тармоқларини умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоқларига улаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 13 июндаги 28-мҳ-сонли қарори.*
**2013 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 377-1 (2013 йил 15 июлдан кучга кирди).**

7. «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 13 июндаги 30-мҳ-сонли қарори.*
**2013 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1323-3 (2013 йил 15 июлдан кучга кирди).**

8. «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2013 йил 24 июндаги 34-мҳ, 14-сонли қарори.*
**2013 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2032-2 (2013 йил 15 июлдан кучга кирди).**

● Реклама ва эълонлар ●













Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 78 125 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5